INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 26 июль жума
Сотувда эркин нархда
№ 154 (2982)

# Буюк мақсад буюк ҳаракатларни талаб қилади

*Ярим йиллик якунлари:*

## Жиддий таҳлил, амалий тадбирлар

***Шу кунларда барча вилоятларда жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтмоқда.***

***Уларда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.***

**ТОШКЕНТ**

Кун тартибидаги масала юзасида вилоят ҳокими У.Мирзақулов маъруза қилди.

Йиғилишда вилоятда макроиқтисодиётни ривожлантириш борасида ижобий натижалар қўлга киритилгани қайд этилди. Ялпи ички маҳсулот, саноат, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўсди.

Айни пайтда иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этиш суст амалга оширилмоқда. Замонавий касб-ҳунар коллежлари қуриш ва жиҳозлаш, уй-жой фондини газ ва сув ҳисоблагичлари билан таъминлаш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш каби муаммолар ҳал этилиши лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов иштирок этди.

**ФАРҒОНА**

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими А.Отабоевнинг маърузаси тингланди. Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида вилоятдаги ижобий ўзгаришлар билан бирга

(Давоми 2-бетда).



*Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда "Қувасойцемент" акциядорлик жамиятининг ўз ўрни бор. Корхонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари ўзининг юқори сифати, арзон ҳамда рақобатбардошлилиги билан ажралиб туради. Шу боис нафақат юртимизда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ўз мижозларига эга. Жумладан, корхона жамоаси айни кунга қадар 1 миллион 302 минг АҚШ доллари миқдоридаги қурилиш маҳсулотларини экспорт қилишга муваффақ бўлди.*

*Яқинда мамлакатимиз Президентининг Фармони билан корхонанинг бир гуруҳ ишчи ва хизматчилари мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида электромонтёр Шокиржон Мамаюсупов ҳам бор.*

**СУРАТДА: «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори Ш. Мамаюсупов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

***ФАРМОНИ***

## Бокс бўйича Осиё чемпионатида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида

***Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришдаги катта хизматлари, бокс бўйича 2002 йилда Малайзияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида мардлик ва жасурлик намунасини кўрсатиб, юксак ғалабаларни қўлга киритгани, иқтидорли ёшларни тарбиялаб, миллий спортимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**«Ўзбекистон ифтихори»**

**Бердиев Икром Нугманович** — Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг инспектори

**Донийёров Тўлашбой Ашуралиевич** — Наманган Давлат университетининг талабаси

**Михайлов Сергей Егорович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси

**Сарсекбаев Бахит Абдурахманович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси

**Хидиров Бекзод Султанмурадович** — Ўзбекистон жисмоний тарбия институтининг талабаси

**Хусанов Шерзод Алимович** — Фарғона вилояти "Динамо" спорт жамиятининг йўриқчиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»**

**Усмонов Хабибулла Исроилович** — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига қарашли Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 июль.

*Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги олдидан*

*Жон ҲЁРБСТ:*

## «ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ»

*Дипломатнинг ватани ва у хизмат вазифасини ўтаётган мамлакат ўртасидаги алоқалар яхши бўлса, ўзаро ҳамкорлик ришталари мустаҳкамлаверса, бу, шубҳасиз, унинг ютуғидир. Шу маънода олиб қаралса, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон ҲЁРБСТ ҳам ўз фаолиятидан мамнун бўлса арзийди. Негаки, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар жуда юксак даражага кўтарилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.*

(Давоми 2-бетда).

Спорт

## Эркин яна шоҳсупага кўтарилди

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга ёйишга хизмат қилаётир.

Таиланд пойтахти Бангкокда спортнинг муайтай (тайбокс) тури бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида элликдан ортиқ мамлакатдан спортчилар, жумладан, Ўзбекистон терма жамоасининг 9 нафар вакили иштирок этаётгани, мусобақаларда ҳамюртларимизнинг қўли баланд келаётгани ҳақида илгари хабар қилган эдик.

Бангкокдан яна бир хушхабар келди. Муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Замирбек Қосимбековнинг маълум қилишича, беллашувларда мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Эркин Қутибаев тўртинчи бор жаҳон чемпионлиги шоҳсупасига кўтарилган.

Спорт устаси Шерзод Шарипов чемпионатнинг кумуш, Жасур Нурмуҳамедов ва Жаҳонгир Ғуломов эса бронза медаллари соҳиби бўлди.

**(ЎзА).**

Ўқинг!

***Грузиялик академик Омонашвили «Мен яратган барча кашфиётлар қоғозда, сизники амалда экан, аслида сиз академиксиз» деган.***
2-бет

***Бу топилмаларни ҳар томонлама ўрганиш натижасида бу ерда одамлар қачондан бошлаб яшай бошлаганлиги ва шаҳарнинг илк шаклланиш пайтини аниқлашга имконият туғилади.***
4-бет

*Қорақалпоғистон бизнеси:*

## Тупроқлари тилло юрт

Иккинчи мақола

### Ёшлар, майдонга тушинг

Қўнғирот — саноатлашган туман. Бу ерда республика вазирликларига қарашли ўнлаб корхоналар фаолият кўрсатади. 112 мингга яқин аҳолиси бор. Ҳудудий жиҳатдан республикада ягона туман ҳисобланади. Шу жиҳатдан бўлса керак, ҳоким Азот Абдумажитов «Туман ҳудуди мамлакат ер майдонининг 14,6, Қорақалпоғистоннинг 44,7 фоизини ташкил қилади», деб ғурурланишни хуш кўради.

Қўнғиротда шу минтақа учун зарур бўлган ўнлаб мутахассислар тайёрлайдиган коллеж бор. Бундан ташқари Нукус давлат университети қошидаги «Бизнес мактаби»нинг филиали ҳам фаолият кўрсатмоқда. Биз туманда бўлган кун ушбу мактабнинг биринчи қалдирғочларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Шу куни 92 нафар ёш йигит-қизга ҳисобчи-аудитор, ҳисобчи-молиячи, банк иши, солиқ ва солиққа тортиш агенти, иқтисодчи-ҳуқуқшунос, дастурчи каби мутахассислик шаҳодатномаси берилди.

— Сизлар улкан ишларнинг бошловчисисизлар, — деди маросимда қатнашган туман ҳокими. — Сиз бизга жуда-жуда кераксиз. Эндиликда халқ хўжалигининг барча соҳаларида ёш, илмли кадрлар ишлайди. Биласизлар, туманимизнинг ҳудуди катта. Илмли, меҳнатсевар ва ўз юртига фидойи инсон учун, айниқса, сизга ўхшаш ёшлар учун кенг фаолият майдонидир. Тадбиркорлик қилинг, кичик корхоналар очинг, қумларигача гавҳар бу юртда эркин ишланг, унинг номини, шуҳратини жаҳонга ёйинг. Билиб қўйинг, туманнинг эртанги эгалари, бошқарувчилари — сиз бўласиз. Ҳамиша ана шу масъулият билан яшанг.

Дарҳақиқат, бу ерда ёш мутахассислар учун иш ўринлари етиб-ортади. Ҳозир туманда 676 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси бор. Шулардан 151 таси микрофирма, 292 таси фермер хўжалигидир. Ўтган йили бу соҳани ривожлантириш учун 360 миллион 763 минг сўм кредит ажратилди. Бу кредитлар туфайли 245 нафар киши иш билан таъминланди. Бир йил давомида ўрта ва кичик бизнес субъектлари томонидан халққа 47 миллион 131 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

— Ойига юздан зиёд кишига тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди «Ден соулиқ» хусусий фирмаси раҳбари Ихлос Умербоев. — Биз кредит олмадик. Ўзимиз поликлиника қурдик. Ҳомийлар ёрдамида лазер жиҳозлари, тиббий ускуналарга эга бўлдик. Бугунги шароитимиз яхши, кўз касалликларига вельховер усули ёрдамида диагноз қўямиз, даволаймиз. Ўзим кардиологман, хотиним врач-терапевт, Москвада шуман ва вельховер методи бўйича курсни ўтаб келди. Шунингдек, беморлар бу ерда физио-терапевтик муолажалар ҳам олишади. Тумандаги «Мерей-Орол» хусусий фирмаси 1992 йилдан фаолият кўрсатади. Тикувчилик цехи ташкил қилган. Илгари корхона ва ташкилотлар учун коржома, чойшаб, халат, кўлқоп каби буюмлар тикарди. Ҳозир аҳолидан ҳам буюртмалар олмоқда. Бундан ташқари фирманинг 100 гектар майдонда ёрдамчи хўжалиги ҳам бор. Техникаси ҳам ўзидан. Майдонда асосан шоли, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

Устюрт бағрида қад ростлаётган, лойиҳа қиймати салкам 100 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган Қўнғирот сода заводи мамлакатимиз саноатининг гигантларидан бирига айланиши, шак-шубҳасиз. Бундан ташқари туманда «Бибихоним» хусусий фирмаси Туркиянинг «Умит Пластик» компанияси билан ҳамкорликда «Дуз ЛТД» қўшма корхонасини ташкил қилди. Қўшма корхона шу йилнинг тўртинчи чорагидан эътиборан, турли сиғимда йодланган ош тузини қадоқлай бошлайди.

— Биласизми, бизда тадбиркорларга 3 миллион сўмдан ортиқ маблағ кредитга берилмайди. Нега шундай? Нима, бу темир қоидами Қорақалпоғистонда, — дейди товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар платаси Қўнғирот бўлими бошлиғи Р. Айтмуротов. — Бундан ташқари банкларнинг фоиз даражаси анча баланд — 36-40 дан ҳали ҳеч қачон тушмаган. Ўз иқтидорига ва кучига ишонган тадбиркорлар 8-10 миллионлаб маблағ сўрашади. Эҳтимол, газетага ёзсангиз, банкдагилар ўқиб, инсофга келишар...

(Давоми 2-бетда).

Расмий ташриф арафасида

*Хироюки ИМАХАШИ:*

## «ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ ЁРУҒ КЕЛАЖАККА ЭЛТАДИ»

*Биз Япония, унинг тарихию бугунги куни ҳақида кўп эшитганмиз. Кунчиқар юртнинг тараққиёт бобида жаҳон майдонида энг ривожланган давлатлар билан теппа-тенг беллашаётган, баъзи соҳаларда эса улардан-да устунлик қилиб келаётганини ҳам биламиз. Аслида, ушбу ҳайратлар мамлакатининг ривожланган «Катта саккизлик» давлатларининг бири эканлигининг ўзи кўп нарсадан далилдир.*

*Тарихга назар солсак, Ўзбекистон — Япония муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини кузатиш мумкин. Ўша олис кечмишда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари Буюк ипак йўли орқали боғланган эди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил баҳорида Кунчиқар юртига расмий сафари икки давлат ўртасидаги ана шу яқин алоқалар анъанасини қайта тиклади. Мухбиримиз мамлакатимиз раҳбарининг Японияга навбатдаги сафари арафасида Японияннинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Хироюки ИМАХАШИ билан суҳбатлашди.*

**— Жаноб Имахаши, айтингчи, Япония ташқи сиёсатида Ўзбекистон қандай ўрин тутади?**

— Япония Марказий Осиё минтақасидаги сиёсатида Ўзбекистонга алоҳида эътибор бермоқда. Негаки, Ўзбекистон минтақадаги иқтисодий жиҳатдан барқарор давлат, десам муболаға бўлмайди. Қолаверса, Япония мамлакатингизга ўзининг Марказий Осиёдаги ишончли ҳамкори сифатида қараб, узоқни кўзлаб иш юритаяпти. Сиёсат бобида Японияning ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам кўплаб халқаро масалаларга муносабати муштарак эканлиги биз учун қувончлидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Японияни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафидан жой олишини қўллаб-қувватламоқда. Кўриниб турибдики, давлатларимиз бир-бирига муҳим иқтисодий ва сиёсий ҳамкорга айланиб бораётир.

(Давоми 3-бетда).

## Японияда маданиятимиз байрами

Токиода мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 10 йиллигига бағишланган Ўзбекистон маданияти куни ўтказилди. Унда таниқли жамоат арбоблари, Марказий Осиё минтақаси бўйича етакчи тадқиқотчилар, сайёҳлик компаниялари раҳбарлари ва олий ўқув юртлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Буюк ипак йўли: Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари" мавзуидаги тақдимот, "Ўзбекистон маданияти ва халқимиз урф-одатлари", "Ўзбек рақс санъати" ҳамда "Ўзбек миллий таомлари"га оид чиқишлар ўрин олди.

Японияннинг Сетагая маданият маркази директори Таеко Нагай ўзбек халқи анъаналари ва урф-одатлари ҳақида гапирар экан, қадим Туркистоннинг Буюк ипак йўли мамлакатлари маданиятини бойитишга қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, марказ раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси элчихонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиққан маданий алоқаларимизни янада такомиллаштиришга оид режалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Токионинг аҳоли гавжум даҳаларидан бири - Китазавада жойлашган осмонўпар бинода ўзбек халқининг бетакрор ҳунармандчилик асарларидан иборат кўргазма ташкил этилди. Ёғоч ўймакорлари ва зардўзу каштачиларимизнинг моҳир қўллари билан яратилган ноёб ижод маҳсулотлари тадбир меҳмонларини ҳайратда қолдирди.

Ўзбекистон маданияти кунини ўтказишда "Ўзбектуризм" миллий компанияси вакиллари ҳамда Японияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ҳам фаол иштирок этди.

**Б. АЛИМОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
**Токио.**

**ДИҚҚАТ, БЕВОСИТА МУЛОҚОТ:**

## АДЛИЯ ВАЗИРИГА ГАПИНГИЗ БОРМИ?

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

**Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар сизни қизиқтирадими?**

**Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ечимида қандай саволлар туғилмоқда?**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш борасида қандай тўсиқлар мавжуд, деб ўйлайсиз?**

**Хуллас, адлия тизимидаги ўзгаришлар, ислоҳот одимларига оид савол, таклиф, мулоҳазаларингизни баён этиш ниятингиз бўлса, 2002 йилнинг 30 июль куни соат 10.00 дан 12.00 гача 133-13-05, 133-51-76 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг. Сизни адлия вазири Абдусамат Полвон-зода шахсан эшитади ва саволларингизга жавоб беради.**

**Агар саволларни олдиндан бериб қўймоқчи бўлсангиз, таҳририятимиздаги 136-07-94, 133-09-97 телефонлари ёки 133-09-85 факси орқали мурожаат этишингиз мумкин.**

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!**



*Жон ҲЁРБСТ:*

# «ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганида менинг қанчалик ҳиссам бор — бу ҳақда бир нарса дейишим қийин, — дейди элчи. — Негаки, мен оддий дипломатман.

Бу касб эгаларининг асосий вазифаси эса ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда юртининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Лекин айни пайтда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари жуда юксак даражада самарали кечаётгани — бор ҳақиқат. Айниқса, 11 сентябрь воқеаларидан кейин Ўзбекистон ҳукумати ва халқи америкаликларга катта ёрдам бергани, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлагани икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг янада кенгайиши учун ўзига хос омил бўлди. Ҳукуматларимиз миллий хавфсизлик, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамламоқда.

Биласизми, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ҳақида гап кетганда, кўпчилик мамлакатларимиз ҳамкорлиги илгари қандай кечгани билан қизиқади. Тан олиш жоиз, бу ҳам қизиқ. Лекин менимча, биз ўтмишдан кўра, ҳозирги кундаги алоқаларимизга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Айни пайтда эса муносабатларимиз кўлами, айтиб ўтганимдек, ниҳоятда кенг. Ўша машъум сентябрь воқеаларидан кейин АҚШ ҳукумати Ўзбекистонга янада каттароқ эътибор бера бошлади. Икки мамлакатнинг, асосан, миллий хавфсизликни таъминлаш, террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлиги иқтисодий-сиёсий жабҳадаги алоқаларни кенгайтириш учун ҳам замин яратди. Натижада 2002 йили Ўзбекистонда ислоҳотларнинг янги босқичлари ҳаётга дадил татбиқ этила бошлади. Сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Ўйлайманки, жорий йил мамлакатингиз учун алоҳида юксалиш даври бўлади.

**— Элчи жаноблари, яқинда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўн бир йиллигини нишонлайди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиздаги ислоҳотлар жаҳон аҳлининг диққат-эътиборида бўлиб келди. Сиз мамлакатимиздаги жараёнларни бевосита кузатиш имкониятига эга бўлган мутахассис сифатида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Ўзбекистонга элчи бўлиб тайинланишдан аввал бир неча йил давомида АҚШ ҳукуматининг МДҲ мамлакатлари масалалари билан шуғулланувчи муассасаларидан бирида фаолият кўрсатганман. Шу сабабли бу минтақада истиқомат қилувчи халқлар, уларнинг ҳаёти, урф-одатлари, мамлакатларда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тўлиқ ахборотга эга эдим. Шу жумладан, Ўзбекистондаги воқеа-ҳодисалардан ҳам яхши хабардор эдим.

Мамлакатингизни ўрганар эканман, бир ҳолга тан бердим. Ўзбекистон раҳбари ҳеч бир сиёсий ўйин, тазйиқ ва "даъватлар"га қарамай, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсатини дадил юритиб келмоқда. Тўғри, қайсидир даврларда бундай дадил хатти-ҳаракатлар кимларгадир хуш келмади, бироқ Ўзбекистон халқи ўз қатъиятини намойиш қилишда давом этаверди. Бу эндигина мустақилликка эришган давлатга жуда катта масъулият юклаш билан бирга, унинг улкан ютуғи ҳам эди.

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларга келсак, ўтган давр мобайнида мамлакатингизда демократия тамойилларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлигини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди.

Баъзан Ўзбекистондаги ўзгаришлар нисбатан суст амалга оширилаётгани тўғрисидаги гаплар ҳам учрарди. Бироқ ўша пайтда Ўзбекистондаги шароитни ва имкониятларни ҳисобга олган киши давлатингиз раҳбари узоқни кўзлаб иш юритганига амин бўлади.

**— Жаноб Ҳёрбст, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга расмий ташрифидан сўнг мамлакатларимиз стратегик ҳамкор эканлиги расман эълон қилинди. Сизнингча, истиқболда қайси соҳаларга эътибор кўпроқ қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди?**

— Президент Ислом Каримовнинг АҚШ сафари, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари кўламининг янада кенгайишида катта аҳамият касб этди. Ташриф чоғида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация эса келажакдаги самарали алоқаларимиз учун яна бир мустаҳкам пойдевор бўлди. Хабарингиз бор, мазкур ҳужжатда ўзаро ҳамкорликнинг барча муҳим соҳалари қамраб олинган. Айниқса, хавфсизликни таъминлаш, террорчиликка қарши кураш, иқтисодиёт, таълим соҳаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, ҳукуматларимиз мазкур ҳужжатда айтиб ўтилган соҳаларга алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ бўлади, менимча. Энг муҳими, ҳозирги кунгача унда қайд этилган масалаларнинг аксарияти ҳаётда ҳам ўз аксини топмоқда. Келажакда бу анъана изчил давом этишига ишонаман.

Суҳбатимиз сўнгида эса Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган миллий тантана — Мустақиллик байрами билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз. Хонадонларингиздан ҳеч қачон қут-барака аримасин, осмонингиз доимо мусаффо бўлсин!

**Бобур СОБИРОВ суҳбатлашди (ЎзА).**

*Ярим йиллик якунлари:*

# Жиддий таҳлил, амалий тадбирлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган салбий ҳолатлар хусусида танқидий фикрлар билдирилган эди. Бир қарашда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Шу билан бирга халқ хўжалиги соҳасидаги ютуқ ва муаммолар кишининг эътиборини тортади. Барпо этилаётган янги иншоотлар таннархи тендер нархларидан бир неча баробар ортиб кетаяпти. Шу йилнинг олти ойи мобайнида янги қурилаётган 10 та иншоотнинг таннархи 313 миллион сўмга кўпайган.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси Ў.Исмоилов сўзга чиқди.

## ҚАШҚАДАРЁ

Қаршида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими Б.Ҳамидов маъруза қилди.

Ўтган олти ой мобайнида вилоятда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Халқ хўжалигининг асосий тармоқларида ўсиш кузатилди. Айниқса, ғалладан мўл ҳосил олинди.

Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётган бўлса-да, тадбиркорларга банк хизмати кўрсатиш замон талабларидан орқада қолмоқда. Воҳага чет эл инвестициясини жалб этиш, қўшма корхоналар очиш, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш суст амалга оширилмоқда. Вилоятнинг Баҳористон, Муборак, Усмон Юсупов, Деҳқонобод, Ғузор туманларида биронта қўшма корхона ташкил этилмаган.

Бу йил кузда Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланади. ЮНЕСКО қарори билан ўтказилаётган юбилейга дунёнинг турли нуқталаридан меҳмонлар келиши кутилмоқда. Шу мақсадда юбилейни юқори савияда ташкил этиш Шаҳрисабз тумани раҳбарларига катта масъулият юклайди. Йиғилишда долзарб муаммолар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

## БУХОРО

Йиғилишда вилоят ҳокими С.Хусенов маъруза қилди.

Маъруза ва музокараларда таъкидланганидек, ўтган ярим йил давомида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ўсиш кузатилди. Хусусийлаштириш изчил давом эттирилди.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлашган бўлса-да, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар фаолиятида узилишлар рўй бермоқда. 2002 йил дастурига киритилган 1 та академик лицей ва 8 та касб-ҳунар коллежлари объектлари бўйича капитал маблағлар лимитини ўзлаштириш қониқарсиз аҳволда.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов сўзга чиқди.

## НАВОИЙ

Бу ерда 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида халқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар таҳлилига бағишланган вилоят фаолларининг йиғилишида вилоят ҳокими Б.Рўзиев маърузаси қилди. Ўтган олти ойда иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида сезиларли ўсишга эришилди, турмуш даражасини яхшилаш юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда баъзи тармоқларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади. Белгиланган меъёрдан юқори маҳсулотлар қолдиғи 1135,0 миллион сўмни ташкил этади. «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Агама» давлат ип-йигирув корхоналарида ўнгланиш сезилмаяпти. Хорижга 35 турдаги маҳсулот экспорт қилинаётган бўлса-да, Навоий, Навбаҳор, Конимех, Томди туманларида бу ишга ҳанузгача киришилмаган.

Йиғилишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, вилоятда қўшма корхоналар тармоғини кенгайтириш, тадбиркорлик йўлидаги ғовларни бартараф этиш, экспорт салоҳиятини кўтариш, хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов сўзга чиқди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари томонидан тайёрланди.**



# Билимлилар ҳунарли ҳам бўлишади

*Пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежи бунёд этилаётир. Саккиз йўналиш бўйича йигирмадан зиёд касб эгалари тайёрланадиган ушбу ўқув даргоҳи ишга тушгач, 750 нафар қишлоқ ёшларини ўз бағрига олади. Бир неча ўқув корпусларидан иборат бўлган коллеж биносидан спорт-соғломлаштириш мажмуаси, 100 ўринли ётоқхона, 250 ўринли ошхона, шунингдек, учта теннис майдони ҳам ўрин олган.*

*— Мақсадимиз, қурилишни тез ва соз тугаллаб, ўз эгалари — қишлоқ ёшларига туҳфа қилиш, — дейди 127-қурилиш жамланмаси участкаси бошлиғи Назира Худойберганова. — Фарзандларимизнинг ҳам билимли, ҳам ҳунарли бўлишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш.*

**СУРАТДА: участка бошлиғи Н. Худойберганова, коллеж директори К. Кенжаев, вилоят ҳокимлиги капитал ва якка тартибдаги уй-жой қурилиш бош бошқармаси бош муҳандиси В. Сагаманян ва техник назоратчи Р. Габбасовлар галдаги вазифаларни муҳокама қилишаётир.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

# Кексаларга ҳурмат — олий ҳиммат

*Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастурининг ўтган ярим йилликдаги ижроси муҳокама этилди.*

Жамғарма раиси Э.Боқибоевнинг шу ҳақдаги ҳисоботида таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур маънавий, моддий, тиббий ёрдам кўрсатиш, турли имтиёзлар яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жорий йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилингани бу борадаги хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

"Нуроний" жамғармаси бу борадаги барча ишларни давлат дастури асосида ишлаб чиқилган ва 2002-2005 йилларга мўлжалланган режа асосида олиб бормоқда. Ҳозирги кунда республикамизда уч миллион нафардан кўпроқ пенсионер, шу жумладан, 51 минг нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қирқ мингга яқин ёлғиз кекса ва ногирон халқимиз ҳурмат ва ардоғида яшамоқда.

Шуниси эътиборлики, жамғарма Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда барча туман ва шаҳарларда меҳр-мурувватга муҳтож кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларини аниқ мақсадга қаратилган режа асосида мунтазам қўллаб-қувватламоқда. Мазкур режа доирасида шу пайтгача жамғарма томонидан 13 минг нафар кексага қарийб 40 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда кексаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада фаоллаштириш, бу борада тегишли идора ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасига таянган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий истиқлол ва она-Ватанга садоқат ғояларини кенг тарғиб этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова сўзга чиқди.

**О. НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

*Қорақалпоғистон бизнеси:*

# Тупроқлари тилло юрт

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Оқини оқлаб, сариғини сақлаб...

Дунёда турфа хил одам бўлади. Бири босиқ, сабр-қаноатли, иккинчиси эса гугурт каби лов-лов ёнади. Унча-мунча нарсага бардоши етмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилингунга қадар тадбиркор бўламан деганларнинг қанчаси расмий ҳужжатлар хирмони ичида куйиб-ёнмади, дейсиз. Нон пишгунча кулча куяр. Ўз ишидан кўнгли совуб, қўлини қўлтиққа урганлар ҳам бўлди. Элликқалъа ҳокимияти ана шуларни ҳисобга олиб, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича бўлим ташкил қилди. Бу бўлим тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини анча соддалаштирди, ўзини турли маҳкамаларга қатнаш, ҳужжатлар тўплаш оворагарчилигидан озод қилди. Эндиликда булар билан товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошидаги ахборот-маслаҳат маркази шуғулланади. Хўш, тадбиркорнинг иши шу билан битдими? Йўқ, у ишини бошлаши учун сармоя керак. Уни қаердан олади, ким беради? Илоннинг суймаган ўти инининг оғзида битади, деганларидек, унисидан қутилиб, яна бир муаммога тутиладими? Туманда бу масала ҳам ижобий ҳал этилган. Янгидан ташкил қилинган тадбиркорлик субъектига «Бизнес» жамғармаси ва бошқа нодавлат ташкилотлари бошланғич сармоя сифатида кредит ажратади. Шу йилнинг биринчи чорагида ана шундай 6 та субъектнинг кредит олиши учун бизнес лойиҳалари ишлаб чиқилди ва банк муассасаларига тақдим қилинди.

Ахир, ҳозир туманда 637 та кичик ва ўрта бизнес субъекти намунали ишлаётганлиги бежизга эмас. Улардан 450 таси қишлоқ хўжалигида, 17 таси қурилишда, 30 таси савдо, 47 таси чорвачиликда ва қолган 13 таси иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Уларга жорий йилнинг ярим йиллигида тижорат банклари туман бўлимлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан 92 миллион 700 минг сўм миқдорида кредитлар ажратилган.

Тухумнинг оқини оқлаб, сариғини сақлаб е, деган гаплар бор. Туман ҳокимиятининг ғамхўрлигини оқлагани шудирки, ўрта ва кичик бизнес субъектлари шу йил давомида 116 миллион 968 минг сўмлик саноат маҳсулотлари, 208 миллион 94 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарганлар. 100 миллион 152 минг сўмлик савдо, 2 миллион 600 минг сўмлик аҳолига пуллик хизмати кўрсатилган.

Бўстон шаҳридаги тадбиркор Улуғбек Эгамбердиев мебель маҳсулотлари тайёрлайди. Унинг шундоқ ёнида Фахриддин Саидовнинг мисгарлик устахонаси бор. Ҳар иккаласининг маҳсулотлари харидоргир. Айниқса, Улуғбек ишлаган мебель маҳсулотлари қўл-қўлга тегмайди. Аммо, унга ҳозир кредит керак. Фақат маҳаллий материаллардан маҳсулот ишлаб чиқариб, узоққа бориб бўлмайди. Кичик корхона очишга қўлим калталик қилаётир, дейди тадбиркор.

Палатанинг туман бўлими бошлиғи Э.Раззоқовнинг таъкидлашича, туманда қўй жунини қайта ишлаб, пайпоқ, «валенка» ишлаб чиқарадиган цех ташкил қилиш бўйича тегишли идоралар билан келишилган. «Совпластитал» корхонасидан йўлакларга ётқизиладиган плиткалар қолипини тайёрлайдиган ускуналар ҳамда пластмасса идишлар ишлайдиган қурилмалар олиб келиш мўлжалланмоқда. Шеробод туманидаги «Хўжаикон» туз конининг туман филиалини очиш режалари бор.

Ҳудудида бир қатор қўшма корхоналар ишлаб турган ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга катта эътибор бераётган туман раҳбарияти ўрта ва кичик бизнес тармоқларини яхшилаш, уларга қулай имкониятлар яратишга қодир. Тадбиркорлар, энг муҳими, раҳбарият олиб бораётган яратувчанлик сиёсатига жуда ишонади. Бу ишонч уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

## Оқлик уйга оғриқ доримас

Биров учун биров туш кўриб бермайди. Кегейли учун элликқалъаликлар ёки бошқа туман мутахассислари келиб қўшма корхона қуриб бермайди. Ўзингда изланувчанлик, ташаббус, шу юрт тақдири, одамларининг фаровон турмуши учун масъуллик бўлмаса, қонингда ватанпарварлик ва фидойилик туйғуси жўшмаса — бари бекор. Ваҳоланки, Кегейли иқтисодиёти учун бугун қўшма корхона сув ва ҳаводай зарур. Наҳотки, хорижда катта эҳтиёж туғиладиган оддий томат пастаси тайёрлаш бўйича ҳамкорликда бирор корхона қуриш шунчалик қийин бўлса. Ўрта ва кичик бизнес корхоналарини кўпайтириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, кредитлар олиш, чет эл инвестициясини жалб қилиш ва шу асосда туман иқтисодиётини оёққа қўйиш учун ким югуриши керак? Ахир, оқлиқ уйга оғриқ доримас, дейди. Бугун ҳудудида лоақал битта қўшма корхонаси бор туман оқсамаяпти, аксинча ҳар томонлама юксалаяпти, дарди арияпти. Қарангки, жорий йилнинг олти ойи мобайнида Кегейли тумани Қорақалпоғистон Республикаси томонидан ажратилган кредитнинг бор-йўғи 1,2 фоизини олган. Қолаверса, мавжуд сумма ҳам ишлаб чиқаришга эмас, савдо-сотиққа берилган. Яна бир рақамга эътибор беринг: кичик ва ўрта бизнес субъектлари туман аҳолисининг бор-йўғи 0,6 фоизини қамраб олган.

Бу факт ва рақамлар хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик ва хусусий тадбиркорларни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг 13 июлдаги йиғилишидан олинди. Унда Кегейли ва Беруний туманларидаги аҳвол ўрганиб чиқилди. Биз бу йиғилишда ўрта ва кичик бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича республикада амалга оширилаётган ишлар ва муаммолар хусусида кўплаб далилларга эга бўлдик. Эҳтимол, Жўқорғи Кенгес Раиси Муса Ерниязов бизни ушбу йиғинга таклиф қилганида ана шуларни назарда тутгандир. Чунки бу кенгаш ҳар ойда икки марта тўпланади ва иккита туманнинг шу соҳадаги ҳисоботларини тинглайди, муҳокама қилади, зарурий маслаҳат ва ёрдам беради.

Бу тадбирда менга республика Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ер ости бойликларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Кароматдин Абзетдиновнинг чиқиши, айниқса, ёқди.

— Қорақалпоғистон замини оддий тупроқ эмас, хазина, — деди у. — Бу Амударё бўйида яшаётган, шу юртни ўзининг қисмати деб билган одамларнинг ризқ-рўзи, фарзандларимизнинг эртанги насибасидир. Бу тупроқ таркибида нималар йўқ, дейсиз. Фақат озгина ҳафсала, шу Ватанга чин фидойилик керак. Одамларни, айниқса, тадбиркорларни бу ишга йўналтириш лозим бўлади. Масалан, Бўзатовдаги Бўрметов конидан бўр ва шпаклевка олиш мумкин. Шунингдек, бу ерда жуда катта бўёқ хомашёси бор. Ҳатто Нукусда бўёқ заводи қурса бўлади. Қўнғиротдаги Қўшқаноттов деган жойда сульфат-натрий минерали мавжуд. Шунингдек, Бўзатовда ҳеч иккиланмасдан цемент заводи барпо этиш керак. Берунийда 5 миллион тонналик заҳирали дала шпати топилди. Бундан керамика, изолятор ишлаш мумкин. Янтоқсойда мармар кони бор. Кегейлида черепица учун хомашё мавжуд. У ерда маъданли сув ҳам бор.

Хуллас, Кароматдин оға ер ости бойликларини кафтида кўрсатиб берди.

Энди барча иш тадбиркорларга қолди.

Энди масъулият ҳокимларга юкланди.

Тупроқлари тилло юртда яшашнинг ўзи бўладими?

## «Меҳнат мен учун «лекарство»

Бу одам ҳақида жуда кўп ёзишди.

Бу одам ҳақида биз кўп нарсаларни билмаймиз.

Гап Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Ўтениёзов тўғрисида бормоқда.

У болалар менинг дўстим, дейди.

У 15 гектарлик боғининг илк мевасини Хўжайлидаги «Меҳрибонлик уйи» кичкинтойларига ҳадя этди.

У мактабда 40 йил ўқитувчилик қилди ва меҳнат таътили (56 иш куни) давомида ҳар йили битта уй қурди. Уни боқувчисини йўқотган, кам таъминотли оилаларга, етим-есирларга ҳадя этди. Демак, 40 одам уйли-жойли бўлди.

Меҳнат мен учун «лекарство», дейди у. Ва у яна дейдики: «1985 йилда қўшни қишлоққа 50 ўринли болалар боғчаси солиб бердим. 50 минг ғишт кетди. 1986 йилда Торли бўлимда 50 ўринли боғча, 2 хонали медпункт, кутубхона қурдим. 56 минг ғишт кетди. 1987 йилда Шотлиовулда 8 йиллик мактаб биносини қурдим. 60 минг ғишт кетди. Қарасам, мактаб қулаб қолиб, болалар ҳар кимнинг уйида ўқиб юрган экан. 1995 йили Нукус тумани «Нукус» ширкат хўжалигида 360 бола ўқийдиган мактаб тикладим. Ҳар йили 15-16 тонна пахта тераман. Студентчилигимда тенгқурларим мени ХВС (машина) дерди».

Бир вақтлари ўқитувчиларнинг Бутунииттифоқ съездлари бўларди. Қаҳрамонимиз съездларнинг бирида делегат бўлиб қатнашган. Грузиялик академик Омонашвили «Мен яратган барча кашфиётлар қоғозда, сизники амалда экан, аслида сиз академиксиз» деган.

Унга Аргентина, Куба, Покистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони каби мамлакатлардан мунтазам хат келиб туради, улар қаҳрамонимизнинг қилган ишларидан ҳайратланишади.

Бир йилда келган хатларнинг ҳисобини қилишса, 405 тага етибди.

— Ёнаётган оловга чумчуқ чўп ташларкан, қалдирғоч сув пуркаркан, — дейди Алланиёз оға. — Сўйлаганда Ватаним деб кўксига урадиганлар кўп. Ваҳоланки, улар шу юрт манфаати учун бир ғишт қўймаган бирор жойга. Аммо 6-7 тадан машинаси, 3-4 тадан данғиллама ҳовли-жойи бор. Мен эса боғ яратиш учун кўчат тополмаганман. Сўнг хотинимни чирқиратиб соғин сигиримни бозорга олиб чиқдим, ниҳол олдим. Мана энди бу боғдан 5-6 та оила манфаат кўраётир.

Алланиёз оға ҳақида ҳали кўп ёзилади, чунки унинг савоб ва саховатга тўла умр йўлини бир мақолага сиғдириб бўлмайди. Қолаверса, бизнинг мақсадимиз ҳам бундай эмас. Ниятимиз Қорақалпоғистонда Алланиёз оға сингари инсонлар кўп, улар бирлашса, уларнинг бошини қовуштирсалар, катта кучга айланади. Бу куч бу минтақани обод этишга, одамлар дастурхонини файзли ва баракали қилишга қодирдир. Қолаверса, меҳнатни ўзлари учун дорию дармон деб санагувчи бу фидойи инсонларнинг ортидан янги авлод эргашиб келмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Биз ишончимиз ва таянчимиз бўлган бу ёшлар қалбига, авваламбор, покизалик, ҳалоллик, мардлик, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилиш каби олижаноб инсоний фазилатларни сингдиришимиз керак. Шуни алоҳида қувонч билан айтишим мумкинки, бутун мамлакатимизда бўлгани каби қорақалпоқ диёрида ҳам бугун мана шундай минглаб истеъдодли ва фидойи ёшлар вояга етмоқда».

Ҳалолликни, покизалик ва саришталикни бошига тож қилиб кийган алланиёзлар ўсмоқда бу юртда.

Сариштали уй эса фариштали бўлади.

Ўзбекистон Қаҳрамонининг суҳбатларини эшитиб, у яратган боғларни томоша қилиб, таассуротларини билиш мақсадида ҳамроҳим ва ҳамкасбим, иқтидорли шоир Янгибой Қўчқоровга кўз ташладим. У ҳам менга ўхшаб бу мўъжизалардан мутаассир бўлиб турган экан чоғи, индамади, фақат бош бармоғини кўтариб қўйди. Бу — зўр, дегани эди.

Зеро, бу — оқсоқолнинг ишига шу диёрнинг бир фарзанди сифатидаги муносиб баҳоси ҳам эди.

## Аэропортдаги учрашув

Сафаримиз қариб, Тошкентга учиш тадориги билан аэропортга келганимизда, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Олий Мажлис депутати Муяссар Раззоқова ва унинг ҳамроҳларига дуч келдик. Опа қорақалпоқ диёрида ўз мухлислари, меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказибди. Мен бу ерда Президентимиз ифтихор билан тилга олган қорақалпоғистонлик хонанда Кенесбай Сержонов билан танишдим.

— Энди мен ҳам тошкентлик бўлдим, — деди Кенесбай оға. — Тошкентнинг марказидаги Нукус кўчасидан 8 хонали квартира беришди.

— Нукус шаҳридан Нукус кўчасига борибсиз-да, — кулдим мен.

— Ҳа, шундай. Ишга жойлашдим, пойтахтда уйли бўлдим. Меҳнат ерда қолмас экан.

«Меҳнат ерда қолмас экан». Мен айнан шу гапни Алланиёз оғадан ҳам эшитган эдим. Фақат унинг қўшимчаси ҳам бор эди: «Оллоҳ билгувчидир...»

Самолёт кўтарилиши билан ойнадан пастга қарадим. Тунги Нукус, ҳадемай ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлайдиган шаҳар чироқлар бағрига сингиб кетган эди. Янги либос кийиб, кўрк очаётган бу шаҳар ўзининг тадбиркорлари, бизнесменлари, дунёга юз очаётган ишбилармонлари ва дунёни лол қолдираётган ўзининг Муяссари-ю, Алланиёзи, Кенесбайлари билан янада жозибали ва фараҳбахшдир.

**Эсиргап БОЛИЕВ, «Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.**

### Хироюки ИМАХАШИ:

# «ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ ЁРУҒ КЕЛАЖАККА ЭЛТАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

**— Айни пайтда япон ширкатлари Ўзбекистонда икки мамлакат имкониятлари даражасида фаолият юритаяптилар, деб ўйлайсизми?**

— Дарҳақиқат, жуда ўринли савол бердингиз. Фикримча, ҳамкорлигимиз истиқболи ҳали олдинди. Аммо мамлакатимиз ишбилармонларини қўл қовуштириб ўтирибди, деб бўлмайди. Айни вақтда ўнлаб япон компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу ўринда Япониянинг мамлакатингиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 1,6 миллиард долларга тенг бўлганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Аслида, бу чакана кўрсаткич эмас. Бундан ташқари, «Тараққиётга расмий ёрдам» ҳукумат дастури доирасида кўрсатаётган кўмак ҳажми 100 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Кузатаётган бўлсангиз, Ўзбекистондаги қарийб барча йирик лойиҳаларда япон сармоядорлари иштирок этаётир. Бироқ, ҳозирги қилинаётган ишларнинг барчаси бу катта ҳамкорликнинг бошланиши, холос.

**— Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг япон иқтисодиёти жуда танг аҳволда эди. Аммо қисқа вақт ичида Япония мислсиз мўъжизаларга эришди. Бугун дунёда қандай янгилик ёхуд кашфиёт бўлмасин ва у тараққиётга дахлдор бўлса — ундан Япония хабардор. Сиз бунинг сабабини қандай изоҳлаган бўлардингиз?**

— Очиғи, мендан бу ҳақда кўп сўрашади ва доимо бир жавобни бераман: ялпи тиришқоқлик, интизом ва ватанпарварлик.

**— Жаноб Имахаши, Сиз холис дипломат сифатида Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари ҳақида нималар дея оласиз?**

— Биласизми, ҳар қандай мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириш учун иккита шарт: эркинлик ва хавфсизлик таъминланиши керак. Тўғри, бу айтишга осон, аммо амалда рўёбга чиқариш кўп сабот ва меҳнат талаб қилади. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон бу йўлда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида жуда собитқадамлик билан бормоқда. Шу боис япон ишбилармонларининг аксарияти мамлакатингиз иқтисодиётига сармоя ётқизишни ихтиёр этмоқда. Ҳеч шубҳам йўқки, Ўзбекистон танлаган йўл ҳали бундан-да ёруғ келажакка элтади.

Кези келганда шуни ҳам айтишим керакки, мен Президент Ислом Каримовнинг бозорнинг ўзи мақсад эмас, бозор, бозор муносабатлари одамлар учун муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилган тақдирдагина мақбул бўлади, деган фикрини жуда қадрлайман. Чунки, ижтимоий йўналишдаги бозорни барпо этиш ҳар қандай мамлакат ҳам уддалаши қийин бўлган иш. Биз ҳам вақтида иқтисодий ислоҳотда шошма-шошарликни рад этиб, маърифий, айтиш жоиз бўлса, шафқатли йўлни танлаганмиз.

**— Демак, Ўзбекистоннинг иқтисодий бошқарув усули Японияга ҳам яхши таниш экан-да...**

— Албатта. Тажрибамиздан биламизки, дастлабки даврда режасиз ва ягона раҳбариятсиз иқтисодиётда самарали ўзгаришлар қилишнинг иложи йўқ. Қисқача айтганда, мамлакатларимизнинг иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги бу сингари ўхшашликлар ва халқларимиз ўртасидаги шарқона яқинлик ўзаро манфаатли муносабатларимизни ривожлантиришда қўл келмоқда.

**— Шахсан Сиз мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Японияга бўлажак расмий ташрифидан нималар кутаяпсиз?**

— Ўзбекистон Президентининг 1994 йилда Японияга қилган илк расмий сафари мамлакатларимиз ўртасидаги олис масофани яқин қилган эди. Бугун эса ана шу яқинлик самарасини кўриб турибмиз. Президент Ислом Каримовнинг юртимизга қилажак бу галги ташрифи ҳам самарали кечишига шубҳам йўқ. Негаки, мамлакатларимиз ўртасидаги илиқ ва самимий муносабатлар ҳам бунга қатъий ишонч уйғотади. Аслини айтганда, ушбу алоқаларнинг бундан кейин ҳам ривожланиши ва мустаҳкамланиши биз учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мен Ўзбекистон Президентининг Японияга ташрифига катта умид билан қарайман. Ишончим комилки, у икки халқ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

**Суҳбатдош:**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





Япония манзаралари.

# Ер юзида

воқеалар
рақамлар
тафсилотлар

## ВЕЛОСИПЕД МИНГАН ХАЛОСКОР



*Лондон тиббий ёрдам хизмати кўпинча йўлларнинг тирбандлиги сабабли беморларга ўз вақтида ёрдамга етиб келиши мушкул бўларди. Эндиликда бу муаммо ўзгача ечилмоқда. Айни кунларда шаҳарнинг марказий кўчаларида махсус сигнал ўрнатилган велосипедлар пайдо бўлди. Уларда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча зарур ускуна ва дори-дармонлар бор.*

*"Медновости" хабарига кўра, ушбу хизматни махсус велосипедлар билан таъминлаш ғояси машҳур веломотокроссчи Том Линч томонидан таклиф этилди.*

## АФҒОНИСТОНДА ПУЛ ИСЛОҲОТИ

*Афғонистон савдо вазири Мустафо Козимийнинг маълум қилишича, янги афғон миллий валютаси Германияда босилади. Янги пул эски афғони ва дўстумиларнинг ўрнига амалга киритилади.*

*"Рейтер" агентлигининг ахборотига кўра, пул ислоҳотларида миллий валютанинг қиймати 1000 баробарга камайтирилиши режалаштирилган. Ўшанда 10000 афғони 250 АҚШ долларига тенг бўлади.*

## ДЕНГИЗ ЖАНГИНИНГ АСЛ САБАБИ НИМА?

Икки мамлакат балиқчилари ҳам крабларга (денгиз қисқичбақалари) ниҳоятда бой бўлган бу ҳудудни ўзиники, деб билади. Сариқ денгизнинг бу қисми давлатлар ўртасидаги чегара вазифасини бажаради. Бундан маълум чекловлар келиб чиқади. Лекин балиқчилар ҳамма вақт денгизнинг айни шу қисмига ошиқади.

Корея яриморолидаги икки мамлакатнинг сув чегаралари БМТ томонидан белгиланган ва тасдиқланган бўлишига қарамай, Шимолий Корея бу чегарани ҳозиргача тан олмаган. Шу сабаб ҳам унинг ҳарбий кемалари чегара ҳисобланган жойларни ҳам назорат қилади ва бу ҳудудга кирган ёки унга яқинлашган ҳар қандай кеманинг йўлини тўсади. Хабарларга қараганда, 29 июнь куни ҳам худди шундай воқеа юз бериб, Шимолий Корея ҳарбий кемалари жанублик балиқчиларга таҳдид қилган. Жанубий Кореянинг шу яқин атрофда бўлган соқчи кемалари балиқчиларни ҳимоя қилиш учун жавоб ўти очишга мажбур бўлган. Пировардида, жанубликларнинг битта кемаси чўктирилиб, тўрт нафар денгизчи ҳалок бўлган.

Дунё бозорида бир тоннасининг нархи 20 минг АҚШ долларидан ошувчи бу денгиз ҳайвонлари икки Корея иқтисодиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабаб бўлса керак, 29 июнь куни ҳарбий кемалар ўртасида келиб чиққан можаро ҳақида гап кетар экан, кўпчилик қон тўкилишига аввало иқтисодий омил сабаб бўлгани ҳақида гапиради.

Шарҳловчи минбари

Бироқ икки мамлакат вакиллари ҳам денгиз жангига нима сабаб бўлгани ҳақида очиқ гапиришдан бош тортиб, бир-бирини айблашдан нарига ўтмаётган бир пайтда, кузатувчилар орасида 29 июнь воқеалари борасида яна бир тахмин пайдо бўлди. Бир гуруҳ сиёсатшуносларнинг айтишича, Сариқ денгиздаги тўқнашув билан АҚШ ҳамда Шимолий Корея ўртасида музокара ўтказилиши тўғрисидаги гап-сўзлар бир-бирига бевосита боғлиқ. Уларнинг фикрича, учрашувда оммавий қирғин қуроллари масаласи муҳокама қилиниши кўзланган. Бу эса шимолликларга хуш келмаган. Шу сабаб улар учрашувни бекор қилиш ниятида Жанубий Кореянинг ҳарбий кемасига ҳужум қилган. Натижада, Сариқ денгиздаги воқеалардан сўнг АҚШ вакиллари режадаги музокара бекор қилинганини айтди. Агар бу тахмин тўғри бўлса, шимолликлар ҳақиқатан ҳам ўз мақсадига эришди, деб айтиш мумкин.

Ким билсин, бошқа маълумотлар бўлмаганида, юқоридаги тахминнинг тўғри эканига ҳеч ким шубҳа қилмаган бўлармиди. Лекин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, тўқнашув сабаби сиёсий эмас, иқтисодий омилга бориб тақалади, деб айтаётганларнинг фикрида жон борлиги аёнлашади. 1999 йили ҳам Сариқ денгизнинг мана шу қисмида шимол ва жануб вакиллари тўқнаш келган, ўшанда Шимолий Кореянинг битта ҳарбий кемаси чўктирилган, ўттизга яқин денгизчи ҳалок бўлган эди. Жанубий Корея томонидан эса тўққиз денгизчи яраланганди. Ўша тўқнашув ҳам краб ови мавсуми авжига чиққан пайтда рўй бергани ҳисобга олинса, қон тўкилишига, аввало, иқтисодий омил сабаб бўлган, деган фикр яна бир бор тасдиғини топади.

**Бобур СОБИРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## ШИФОКОРЛАР ФИКРИЧА...



*Ҳозирги пайтда кенг реклама қилинаётган "мода" парҳез ва озиш дастурлари, айниқса, аёллар соғлиғига путур етказиши мумкин. Шифокор-олимларнинг фикрича, бундай парҳезлар аслида бир хил овқат истеъмол қилишдан иборат бўлиб, улар кўпинча, одам организмининг бошқа моддаларга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Натижада тана кучсизланиб, касалликларга бардош беролмайди. "Медновости" ана шу ҳақда маълумот тарқатган.*

## ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ ИШ БОШЛАДИ

*Ҳиндистоннинг янги президенти Абдул П.Ж.Калам ўз лавозимини расман эгаллади. "Рейтер" агентлигининг хабарига кўра, шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Калам Ҳиндистон "ривожланган миллат" га айланиши лозимлигини таъкидлаган.*

*Эслатиб ўтамиз: Абдул Калам ядро физикаси бўйича таниқли олимлардан ҳисобланади. У Ҳиндистонда ядро қуролини яратишда ҳам фаол иштирок этган.*

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЮКЛАРИ КИРИТИЛМАДИ

*Исроил ҳарбийлари Фаластинга инсонпарварлик юкларини олиб келган Халқаро Қизил Хоч қўмитаси вакилларини ҳудудга киритишдан бош тортган.*

*"ИТАР-ТАСС" агентлигининг маълумотига қараганда, улар Ғазо секторидаги Хон-Юнис шаҳри яқинидаги ҳудудлардан бирига тиббиёт ускуналари ва дори-дармонлар келтиришган эди.*

*Қўмита тарқатган маълумотномада айтилишича, Исроил ҳукумати билан бу ҳақда келишилиб олинган эди. Аммо ҳарбийлар кутилмаганда махсус рухсатнома талаб қилиб, вакилларни ҳам, юкларни ҳам ўтказишни ман қилган. Бундай ҳолат кейинги ўн беш кунда иккинчи марта содир бўлди.*

## ДОВУЛ



*Қрим яриморолида юз берган довул оқибатида 100 дан зиёд уй вайрон бўлган. Улардан 15 тасининг фақат пойдеворигина қолган. Бутун яриморолни электр энергияси билан таъминлаб турувчи асосий тармоқ ҳам ишдан чиққан. Табиий офатдан, айниқса, Жанкой тумани кўпроқ жабр кўрган. "РИА "Новости" тарқатган хабарларга қараганда, Мартиновка қишлоғида селлар натижасида ўнлаб уйлар ва ундан ташқари, мактаб биноси, шифохона сув остида қолган. Симферополда автомобиль йўллари алоқаси тўхтатилган. Қрим мухторияти вице-президенти Сергей Куницин ҳисоботига кўра, табиий офат 800000 дан 1000000 гача Украина гривнаси миқдорида зарар келтирган.*

## ҚУТҚАРУВЧИ ДЕЛЬФИНЛАР



*Австралиялик балиқчи Грант Диксон денгизда балиқ овлаётган пайтда кемаси чўка бошлади. Диксон зудлик билан ўзини сувга отди. Шу пайт уни бир неча акула қуршовга олди. Кутилмаганда балиқчи ёнида бир тўда дельфинлар пайдо бўлиб, акулаларга қарши ҳужум бошлашди. Буни кутмаган акулалар қўрққанидан жуфтакни ростлашди. Шундай қилиб дельфинлар балиқчининг ҳаётини сақлаб қолганлиги ҳақида "Лента.ru" хабар тарқатган.*

## ЭНГ КЕКСА СИРТЛОН ОЛАМДАН ЎТДИ



*"ИТАР-ТАСС" агентлигининг хабарига кўра, Ҳиндистоннинг Мадхья-Прадеш штатидаги ҳайвонот боғида дунёдаги энг кекса сиртлон оламдан ўтган. У ҳозиргача мушуксимон ҳайвонлар ичида энг кўп умр кўрган жонивор ҳисобланади. Макль исмли ушбу сиртлон 25 ёшга кирган эди.*

*Ҳайвонот боғи ветеринар-шифокори Анил Шарманнинг айтишича, сиртлонлар 18-20 йилдан кўп умр кўрмайди. Макль тутқинликда яшаб 25 ёшга кирган ягона сиртлондир.*

**«КОНВИН» ҚЎШМА КОРХОНАСИ**



**кузатув кенгаши АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2002 йил 27 август куни соат 16.00да қуйидаги манзилда ўтказилиши маълум қилади: Ғазалкент шаҳри, Завод кўчаси, 48-уй. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 14.00дан соат 15.30гача ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. *Акциядорлик жамияти бош директорини сайлаш.*
2. *Акциядорлик жамиятидаги давлатнинг ишончли вакили иш фаолиятига ҳар ойда тўланадиган пул мукофоти миқдорини белгилаш.*

**Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш акциядорлар учун — шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядор вакили учун — шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ишончнома орқали амалга оширилади.**

**Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ғазалкент шаҳри, Завод кўчаси, 48-уй. Телефонлар: (274) 21-286, 27-806.**

**Сезиларли фактлар тўғрисида ахборот**

*Эмитентнинг тўлиқ номи:* ОАЖ шаклидаги «КОНВИН» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси. *Манзили:* Ғазалкент шаҳри, Завод кўчаси, 48-уй.

*Ахборотнинг тартиб рақами:* № 07. Реестр ёпилиши тўғрисида.

ОАЖ шаклидаги «КОНВИН» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси кузатув кенгаши акциядорлар реестри ёпилиши ҳақида 2002 йил 15 июлда қарор қабул қилинганини маълум қилади.

ОАЖ шаклидаги «КОНВИН» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси акциядорлари реестри 2002 йил 20 июльҳолатига ёпилган.

6098/1553

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**пулларингизни қўйиш учун фойдали омонат — «NBU-Махсус» қисқа муддатли омонатни таклиф қилади.**

**Пуллар омонатга 25 июлдан 31 июлгача қабул қилинади.**
**Омонат муддати — 10 кун. Йиллик 60% ҳисобидан даромад тўланади.**
**Омонатга камида 50.000 сўм қўйилиши керак.**

*Шунингдек, қуйидаги бошқа турдаги омонатларга ҳам пул қабул қилиш давом этмоқда:*

**«СЎМ КАРТОЧКАСИ»** (пластик карточкалар қўлланилган ҳолда) — йилига **36 фоиз** даромад келтирувчи ушбу омонатнинг талаб қилиб олинмаган фоизлари ҳар ойда капиталлаштирилганида даромад йилига **42,6%.**
**Карточка эгаларининг ҳаёт ва саломатлиги бепул суғурталанади.**

**«ЭҲТИРОМ»** (1 йил муддатга) — **йилига 42%;**

**«ТАЪТИЛ»** (муддати 3 ой бўлган бу омонатнинг ҳисоб варақлари талаб қилиб олинмаган тақдирда шартнома муддати ўз-ўзидан узайтирилади) — **йилига 36%;**

**«ТЎЁНА»** (2 йил муддатга) — **йилига 30%;**

**«САРПО»** (3 йил муддатга) — **йилига 31%;**

**«КЕЛАЖАК»** (камида 5 йил муддатга) — **йилига 40%;**

**«МУДДАТЛИ»** (5 йил муддатга) — **йилига 40%;**

**«ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА»** — **йилига 10%.**

NBU

**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингиз сақланиши ва даромад келтиришига кафолат беради.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон рақамлари: (998-71) 137-62-83, 137-62-81 ёки Миллий банкнинг исталган муассасаси орқали олишингиз мумкин.**
**www.nbu.com**

6102/1496

Мозийдан садолар

*"Азиз биродарлар, барака топкурлар, айтинглар-чи, сизлар ҳар куни кўриб ва кезиб юрадиган Қармана шаҳрининг ёши нечада? Ёки Чўли Маликдаги эски работ ва сардоба қачон пайдо бўлган? Сармиш дараси ва ғоридаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешикларидан бири эканидан дарак бермайдими?.."*

# Бурқуттепа сирлари

## Карманaнинг қадимий тарих саҳифалари очила бошлади



Абдуғани ЖУМА олган сурат.

Президентимизнинг ташаббуси ва Фармони билан 1999 йилда Навоий шаҳри таркибида Кармана тумани ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси археология институтининг бир гуруҳ ходимлари Навоий шаҳри ва Кармана тумани ҳокимлиги ҳомийлигида шаҳарнинг тарихини янада чуқурроқ ўрганишга киришиб, шаҳар ва унинг атрофида археологик қазишма ишларини олиб бормоқдалар. Албатта, бу изланишларнинг натижалари ўз тарихини билишга интилган ва Ватан меҳрини ҳар нарсадан улуғ деб билган карманаликлар учун жуда муҳимдир.

Кармана тўғрисида ўрта аср ёзма маълумотларига эътибор берсак, у Ипак йўлидаги икки буюк шаҳар Самарқанд ва Бухоро ўртасида жойлашган йирик кентлардан бири сифатида кўпгина тарихий манбаларда тилга олинади. Айниқса, аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида Кармана тўғрисида келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир. Бу жой тарихий воқеаларга бой, ноёб меъморий обидалари билан машҳур бўлиб қолмасдан, балки буюк олимлари, миллий қаҳрамонлари, мўътабар шайхлари ва уламолари билан ҳам тарих саҳифаларидан жой олган. Кармана заминидан буюк Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар ўтганлиги ҳақида тарихий манбаларда фактлар мавжуддир.

XIX аср охири XX аср бошларида эса Бухоро ҳукмдори амир Абдулаҳадхон ўз қароргоҳини Карманага кўчирган ва шу ердан туриб мамлакатни бошқаргани ҳам бизга тарихдан яхши маълум. Аммо шаҳарнинг ўрта асрлардан олдинги тарихи тўғрисида ҳатто археологларга ҳам қоронғи бўлиб, шу пайтгача деярли ҳеч қандай аниқ маълумотлар йўқ эди. Бунга бу ерда мавжуд бўлган қадимий ёдгорликлар ҳар хил сабабларга кўра бузилиб кетганлиги ва узоқ йиллар давом этган мустамлакачилик замонларида уларни илмий асосда ўрганиб, бу шаҳарнинг қадимий қиёфасини ишончли далиллар, маълумотлар асосида халқимиз ва жамоатчилигимизга етказиб беришнинг имкони бўлмаганидадир.

Фақат мустақиллик шарофати ва Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллий қадриятларимизни ўрганиш, кўҳна тарихимизни тиклаш масаласи устувор аҳамият касб этгандан сўнг, бу қадим шаҳар номини аниқлаш, унинг тарихий обидаларини ўрганишга киришилди ва 2000 йилдан бошлаб бу ерда кенг кўламли археологик қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Археологлар ўз ишларини, тарихий манбаларга суянган ҳолда, аввало шаҳарнинг бирламчи ўрнини аниқлашдан бошлашди. Бу жуда шарафли, лекин мушкул вазифа эди. Шаҳар асрлар давомида маърифат ва маданият ўчоқларидан бири сифатида, савдо-сотиқ, маданий алоқалар ривожланган Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Шош, Хива, Кеш каби шаҳарлари қаторидан жой олган бўлишига қарамасдан, собиқ совет тузуми даврида эътибордан анча четда қолган. Бунинг натижасида археологик ёдгорликлар бузилиб кетган ва шаҳар тарихига катта зарар етказилган. Бунга мисол тариқасида кексалар хотирасида сақланиб келаётган Бурқуттепани, Кўкйўлтепани, Малик Работни, Кўҳна Қўрғонни, Кармана Аркини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Кейинги ўрта асрда қурилган Кармана Арки ҳозирги шаҳарнинг қоқ ўртасида, баландроқ жойда бўлган. Унинг бир неча дарвозалари бўлиб, баланд девор билан ўраб олинган. Маълумотларга қараганда, у Бухоро аркини эслатиб турган. Амирни иккинчи аркни Карманада қуришга ундаган нарса XVIII аср охири ва XIX асрдаги сиёсий вазиятнинг мураккаблашганлигидан билиш мумкин. Афсуски, бундай нодир обида айрим шахсларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги туфайли аста-секин емирилиб, изсиз йўқолиб кетган. Унинг тупроғи эса 1956 йилда Тошкент-Бухоро катта йўл қурилишида ишлатилган, ўрни одамларга уй-жой учун ажратиб берилган.

Карманaнинг ўрта асрлардаги тарихий ўрни Кўҳна Қўрғон номи билан аталган жойда бўлган. У ҳозирги Кармана шаҳрининг шимол томонида, Зарафшон дарёсининг жанубий соҳилида жойлашган. Ёдгорлик тўғрисидаги илк қисқа маълумот 1934 йилда ўтказилган Зарафшон экспедициясининг бошлиғи А. Ю. Якубовский томонидан битилган. Унинг ёзишича, ёдгорлик арк (куҳандиз) шаҳристон ва работдан иборат бўлган. Лекин у ўша пайтда деярли бузилиб кетган. Қўрғоннинг майдони 1-1,5 квадрат километрни ташкил этган. У ташқи томондан баланд девор ва 4-5 метр кенгликдаги ариқ билан ўраб олинган. Фикримизча, бу мудофаа вазифасини ўтаган. Шунингдек, ёдгорлик шимолий томондан дарё ва деворлар билан, бошқа томонлардан эса каналлар ва деворлар билан ўраб олинган. Афсуски, бу ер ҳам одамларга ҳовли-жой учун бўлиб берилган. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу ердан кўплаб ноёб ашёлар йиғилди. Қўрғонни ўраб турган девор бўлаги бир ҳовлининг бузилмай қолган жойидан топилди. Бу топилмалар кўплаб қимматли маълумотлар бериши билан диққатга сазовордир. Топилган ашёлар XIV аср иккинчи ярмидан бошлаб XV ва кейинги асрлар билан даврланади. Ундан олдинги даврларга дахлдор топилмалар бу ерда деярли учрамайди. Жуда кам бўлса-да, IX-XII асрга оид ашёлар ҳам топилди. Бу ноёб маълумотлар қўрғон мўғуллар истилосидан кейин Амир Темур замонидан бошлаб қад кўтара бошлаган, деган фикрни айтишга имкон яратади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида археологлар, Карманaнинг энг қадимий ўрни Бурқуттепада бўлса керак, деган фикрни илгари суришди. Чунки бу ердан топилаётган археологик ашёлар шуни тасдиқлайди.

Бурқуттепа шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган. Ёдгорлик арк ва шаҳристондан иборат. Лекин у ерда олиб борилган қишлоқ хўжалик ишлари натижасида ёдгорлик яхши сақланмаган. Айниқса, сизот сувларини қочириш мақсадида арк ва шаҳристон ўртасидан ковланган ариқ – зовур ёдгорликни иккига бўлиб қўйган. Унинг арк қисми баланд тепадан иборат. Аркни "ўзлаштириш" мақсадида унинг устига 1980-1981 йилларда трактор чиқарилиб текисланган. Аммо унинг устида геодезик ўлчов нуқтаси бўлганлиги учун 2-2,5 метр кенгликка эга бўлган кичик тепача қолдирилган. Унинг баландлиги 4 метрга боради. Шуни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, аркнинг юқори қисмидаги 4 метрлар чамаси маданий қатлам бутунлай бузиб ташланган.

Аркнинг устки, жанубий-шарқий қисмида қазишма ишлари олиб борилди. Бу ерда ҳар хил катталикдаги хом ғиштлар ёткизилганлиги аниқланди. Афтидан, бу ғиштлар юқориги маданий қатламдан қолган (трактор билан суриб ташланган) уйларнинг деворлари ва поли бўлса керак. Бу ердан девори яхши сақланган бир неча хонанинг ҳамда жануби-шарқий томондаги миноранинг чегаралари ва шакли аниқланди. Минора айлана шаклига эга бўлиб, диаметри 9 метрдан ошиқ. Унинг ички қисми ҳам йиқилиб тушган, ҳам ғиштлар ва уларнинг синиқлари билан қопланган. Тепанинг жанубий қисмидан эни 6 метр кенгликдаги тик кесма усулда қазишма ишлари ҳам олиб борилди. Бу ердан ҳам жуда ноёб ашёлар топилди. Ёдгорликнинг шимолий қисмида олиб борган ишларимиз натижасида антик давр (милоддан аввалги IV-III аср) археологик материалларига дуч келинди. Маданий қатламнинг бу қисмида ертўла хили – уй-жойнинг кесмаси топилди. Бу ердан ковлаб олинган сопол идишлар (қалин қилиб ясалган қозон ва уларни кўтариш учун қилинган қулоқлари, ялпоқ тагли товалар ва бошқалар) парчаси антик даврга хос бўлиб, улар қўлда чархсиз қилинган. Улар билан биргаликда чархда ясалган, ангобланган ва ангобсиз майда идиш парчалари ҳам топилди. Худди шундай сопол идиш парчалари Жанубий Суғдиёна ҳудудидаги Қўрғонча (Қашқадарё) ёдгорлигида, Самарқанддаги Сартепа-2 сополчалар қишлоқчасида ва Уструшона тепаларида ҳам топилган. Бу идиш парчалари муаллифлар томонидан милоддан олдинги IV-III асрлар билан даврланган. Шу жойнинг юқориги қатламидан бир метр баландликка эга бўлган бутун хум ва унга томон йўналтирилган қувур топилди. Бу ҳум ва қувур милоддан аввалги I асрнинг охири ва милодий асрнинг бошларида ясалган. Қувур тарихига эътибор берсак, улар илк антик даврларда Марказий Суғдиёна ҳудудида бўлганлиги маълум. Лекин Бурқуттепадан топилган қувур Ғарбий Суғдиёна ҳудудидан топилган энг қадимги ашёвий далилдир.

Шаҳристон аркнинг шарқий томонида бўлиб, у сўнгги асрларда қабристонга айлантирилган. Унинг шимолий ва шарқий томонида бўлган девор қолдиқларининг ўринлари кўзга яққол ташланиб турибди. У ерда олиб борилган ишларимиз натижасида X ва XIII асрларга оид кўплаб рангли ва рангсиз сопол идишларнинг бўлаклари, пишиқ ғиштлар, сопол қопқоқчалар киши диққатини тортади. Топилмаларнинг деярли ҳаммаси айлана шаклга эга бўлиб, пастки қисми текис, юқориғи қисмида эса замбуруғ шаклидаги қулоғи бор. Катта ўлчамдаги қопқоқларнинг чети қалинроқ ва айланасининг ички томонидан кичик геометрик шакллар солинган.

Шундай қилиб, икки йиллик изланишлар натижасида Кармана шаҳри ва унга яқин бўлган манзилгоҳлардан қадимий даврларга оид ноёб археологик ашёлар топилди. Бу топилмаларни ҳар томонлама ўрганиш натижасида бу ерда одамлар қачондан бошлаб яшай бошлаганлиги ва шаҳарнинг илк шаклланиш пайтини аниқлашга имконият туғилади. Олимлар ёдгорликларнинг пастки қатламларида янада қадимийроқ ашёлар бўлиши керак, деган фикрларни билдиришмоқда. Буни кейинги изланишларимиз натижалари кўрсатади.

**Муҳиддин ХЎЖАНАЗАРОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**
**Ашурали ЖЎРАЕВ,**
**журналист.**

## СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБДА

Яккабоғдаги 20-ўрта мактабни бундан ўттиз йил олдин битирган собиқ синфдошлар дийдорлашди. Улар дастлаб ўзлари ўн йил таълим олган устозларидан кўнгил сўраб, ҳаётдан эрта кетган синфдошлари хотирасини ёдга олди. 1972 йили Яккабоғ қўрғонидаги бу илм масканини 70 ўқувчи битирганди. Улар бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишяпти.

— Ўзимиз ўқиган, ёшлигимизнинг бетакрор дамлари ўтган жонажон мактабимизга қадам қўяр эканмиз, гўё яна ўша ўқувчилик йилларига қайтгандек бўлдик, — дейди техника фанлари номзоди Неъмат Рўзиев. — Қадрдон мактабимиз, азиз устозларимиз камолга етишимиз учун озмунча меҳнат қилишмади. Синфдошлар дийдорлашувини ташкил этишдан яна бир мақсадимиз — мактабимизга ҳар томонлама ёрдам бериш. Дастлаб мактабга компьютерлар тўпламини совға қилмоқчимиз. Қолаверса, дарсликлар, ўқув жиҳозлари борасида ҳам имкон қадар ёрдам бериш ниятидамиз.

Бундай учрашувлар, дийдорлашувларнинг аҳамияти катта. Ёшлар — бугунги мактаб ўқувчилари оталари, оналари, ака-опалари мисолида ўзларининг эртанги кунига назар ташлайди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ДИҚҚАТ!

## Ишонч телефонлари

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг барча ҳудудий тизимларида жамоатчилик билан тезкор алоқа боғлаш мақсадида «Ишонч телефонлари» фаолият кўрсатмоқда.**

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатни ташкил этишга оид фикр-мулоҳазалар, йўл-танспорт ҳодисалари содир қилиб, воқеа жойидан яширинган шахслар, транспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш, шунингдек, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг фуқароларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш, таъмагирлик каби салбий ҳолатлар бўйича тезкор маълумот юбориш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Бу билан сиз ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга, қонунчилик бузилишини олдини олишга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз. Бизга ишонч билдирганингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси.**

### Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЙҲХ Бошқармаларининг ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

| N | Ҳудудлар | Ҳудуд коди | Ишонч телефонлари |
|---|---|---|---|
| 1 | ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси | 8-371 | 1362661 1442850 |
| 2 | Қорақалпоғистон Республикаси | 8-36121 | 76892 70667 |
| 3 | Андижон вилояти | 8-37422 | 69629 45442 |
| 4 | Бухоро вилояти | 8-36522 | 41843 43505 |
| 5 | Жиззах вилояти | 8-37222 | 62212 64802 |
| 6 | Қашқадарё вилояти | 8-37522 | 52128 56702 |
| 7 | Навоий вилояти | 8-43622 | 37590 37590 |
| 8 | Наманган вилояти | 8-36922 | 43644 62010 |
| 9 | Самарқанд вилояти | 8-3662 | 311212 222323 |
| 10 | Сурхондарё вилояти | 8-37622 | 24105 24104 |
| 11 | Сирдарё вилояти | 8-36722 | 73293 73293 |
| 12 | Тошкент вилояти | 8-3712 | 1627483 643894 |
| 13 | Фарғона вилояти | 8-37322 | 43251 44950 |
| 14 | Хоразм вилояти | 8-36222 | 55086 56005 |
| 15 | Тошкент шаҳри | 8-3712 | 549598 559804 |

Ишонч телефонлари 24 соат давомида ишлайди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
эълонлар
с 9.00 дан 18.00 гача
қабул қилинади.
Тел. факс: 136-09-25,
132-10-63
256 хона

БОБУР НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА
томонидан чиқарилган баҳоси 200 сўм қийматдаги «Бахт қуши» лаҳзалик пул-буюм лотерея ўйинининг 4-разряди тугатилганлигини маълум қиламиз.
Ютуқлар 2002 йил 1 ноябргача берилади.
Кечиккан ютуқ соҳибларига ютуқлар берилмайди.
Бобур номидаги халқаро жамғарма.




### САВОЛ БИЗДАН...

Тегусигальпа шаҳри қайси давлатнинг пойтахти?

136-35-60

***Кечаги сондаги саволнинг жавоби:***

Ердан Қуёшгача 149600000 километр масофа бор.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси институт маъмурий-хўжалик бўлими ходими, ўқув устаси
**Баҳодир НАЗАРМУҲАМЕДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Микробиология институти жамоаси лаборатория мудири, биология фанлари доктори, профессор
**Тоҳир ЮСУПОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси республика Ветеренария давлат бош бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Нарзиевга падари бузруквори
**Ориф ота НАРЗИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат архитектура қурилиш назорати бош бошқармаси жамоаси Жиззах давлат архитектура қурилиш назорати бошлиғи
**Бахтиёр ЎРИНБОЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик конпанияси раҳбарияти ва жамоаси компания етакчи мутахассиси Танзиля Токиевна Мусинага волидаи муҳтaрамаси
**Лябиби ая АБДИКАЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 677, 28078 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — С. ДОНИЁРОВ.
Мусаҳҳих — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.35.*
1 2 3 4 5 6